

---

## "МЕҲР ДАФТАРИ" ДАГИ ЁШЛАРГА КЎМАК КЎРСАТИЛДИ

Марғилон шаҳрида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган "Меҳр дафтари"га киритилган болаларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш ҳамда уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан бугун мазкур дафтарда бўлган ёшларнинг 3 нафарига компьютер ҳамда замонавий русумдаги рангли принтер топширилди.

Шаҳар ҳокими Ш. Нисбатхонов компьютерларни ўз эгаларига топширар экан, ҳукуматимиз томонидан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни эътироф этиб ўтди ҳамда эртани эгаларига келгуси ҳаётларида билим ва малакаларини ошириб, давлатимиз ривожланишига муносиб ҳиссаларини қўшишларига тилак билдирди.

2023-08-25 20:16:17